



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 25 сентябрь
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 191 (2229)

ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН КУРАШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР!

Марказий Осиё халқлари
маданият арбобларига
МУРОЖААТ

Азиз дўстлар, қозоқ бовурлар, қирғиз ва тожик биродарлар!

Кейинги йилларда Ислам динини ниқоб қилиб олган турли экстремистик гуруҳлар ва ашаддий ақидадарастлар курраи заминнинг турли минтақаларида шафқат билмас ёвузликлар содир этиб, халқларнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётига таҳлика солмоқда. Афғонистон, Догистон ва Тожикистонда бу манфур тўдалар томонидан амалга оширилган қатли-қирғинлар ана шу қабоҳатнинг амалдаги куралишидир. Ватани ва миллатининг тайини бўлмаган бу халқаро террорчилар, қора ништли қимсалар шу йил 16 февралда Ўзбекистон пойтахтида ҳам машум мақсадларини, террорчилик режасларини амалга оширишга уриниб, ўнлаб беғунох инсонларнинг умрига зомин бўлган эди.

Яқинда эса ана шу қабиҳ ватандаш каллақасарлардан иборат катта бир гуруҳ — ақидадарастлар кўзини Қирғизистоннинг ҳеъасини бузиб ўтиб, биродар қирғиз халқининг осойишта ҳаётига тажовуз қилди. Шунингдек, ўзбек халқининг ҳам тинч турмушига таҳлика тушди. Аслини олганда, бу ёвуз тажовуз фақат қирғиз, тожик ва ўзбек халқларининггина эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг тинчлигини бузиш, Афғонистон, Догистон ва бошқа ўлкаларда содир этилган қабоҳатни такрорлаш мақсадида амалга ошириладиган бир жасолатдир.

Азиз дўстлар! Мана шундай мураккаб бир вазиятда биз, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси атрафида юксак ниятлар асосида бирлашган маданият, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, сукут сақлаб тура оламизми?

Асло!
На ота, на она, на гўдакка шафқат билмайдиган бу террорчиларга қарши бонг уриш, ўзимизнинг ўткир қаламимиз билан бу ёт унсурларнинг манфур ниятини шафқатсиз фош этиш вақти келмайдими?

Минтақамиз осмонда пайдо бўлган бу қора булутларга қарши оташин сўз билан курашни пайти келди. Зеро, бу ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Аслар давомида қанчадан-қанча оғир мусибатларни бошидан кечирган ота-боболаримиз бизга шундай жаннатмақом заминни мерос қолдирган экан, биз ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов айтганидек, келажак авлодларга ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдирмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ҳозирги эркин ҳаёт, қардош халқларнинг буюк келажак яратиш йўлидаги кураши кўнгилларидан фахр ва ифтихор кўзгади. Зеро, она Ватанини севган ҳар қандай инсон минтақамизда тинч ва осойишта ҳаётини, ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз Ватанини кўз қорачиқидой асраб-авайлашни муқаддас бурч, деб билмоғи лозим. Минтақамиз тинчлиги эса, бу ердаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон тинчлигининг қобулидир.

Дунёдаги ҳар қандай ташвишли воқеа санъат аҳлининг юрагини ларзага келтиради. Биз, Марказий Осиё халқлари ижодкорлари, Қирғизистоннинг Боткен ва Чўнг Олой туманларида содир этилган буғунчилик ҳаракатларига тезда барҳам беришига ишонимиз қомил. Шу кунлар тезроқ келиши йўлида қирғиз халқида зўр матонат, сабр-тоқат тилаймиз ва минтақамиздаги барча халқларни хушёрликка, сергажликка даъват этамиз.


Чингиз АЙМАТОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг Президенти, Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон Қоҳрамони.
Одил ҲУСНОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Абдулло ОРИПОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қоҳрамони.
Абдуҳамид САМАДОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби.
Мухтор ШАХАНОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Қозғонистон ва Қирғизистон халқ шоири.
Улмас МИРСАИДОВ, Тожикистон Республикаси Фанлар Академиясининг президенти.
Абдуҷамил НУРПЕИСОВ, Қозғонистон халқ ёзувчиси.
Тўлаберган КАЙМБЕРГАНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.
Қозат АКМАТОВ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси вице-президенти, ёзувчи, Қирғизистон.
Нодирбек АЛИМБЕКОВ, Қирғизистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси.



Репортаж

Мамлақатимиз пойтахтида бундан 4-5 йил муқаддам бўлган киши, бугун шаҳорга яна ташриф буюрса, нафақат ҳайратланиши, ҳатто адашиб қолиши ҳам мумкин. Негаки, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами тобора ортиб, шаҳар беҳибс гўзаллик касб этмоқда.

48 ОИЛА УЙЛИ БЎЛАДИ



Янги уйлар, кўчалар, ҳатто янги даҳалар бунёд бўлмоқда. Бу бунёдкорлик ишларида Юнусовод туманидаги қурилиш трести жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир трест қурувчиларининг бир қисми Қорақамиш даҳасида 48 хонали тўрт қаватли уй барто этмоқдалар. Қурувчиларнинг ишжоати баланд. Улар бинони янги йил арафасида топшириш ниятида тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Демак, янги йилда 48 оила янги хонадонларга кўчиб ўтади.

СУРАТЛАРДА: мажкур трестнинг участка бошлиғи М. Абдуваев (ўнгда) ва пайвандловчи Н. Болтаевлар; қурилиш участкасида иш қилгани; пенкадан ёпиш терувишлар Н. Ҳожимуродов ва С. Умаровлар иш жараёнида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Х.ХАЛИЛОВнинг
“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати

— Эркин Ҳамдамович, Сиз қарийб беш йил раҳбарлик қилган биринчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати тугамоқда. Унинг ўтган даврдаги фаолиятини юмрон олганда қандай баҳолайсиз?

— Биринчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1994 йилги дастлабки эркин, демократик сайловлар натижасида, кўппартиялик асосида ташкил топган эди. Ҳокимият тармоқларга бўлинишининг умум қабул қилинган демократик тамойилига тўла мос келуви янги типдаги парламентни яратиш мустақил Ўзбекистонда давлат қурилишининг, чинакам миллий парламентаризм ривожининг муҳим босқичи бўлди.

Олий Мажлис ташкил топган дастлабки кунларда унинг кўпқиррали фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган принцип ва нормаларга, мамлакат мустақил тараққийининг сиёсий концепциясига, жамиятнинг илоҳ қилинишиг ўз моделига таянди. Олий Мажлис депутатлари ўларнинг ама-

лий фаолиятларида доимо ёш суверен давлат устуворликлари ва вазифаларига, мамлакатда ўтказилаётган илоҳотларнинг аниқ мақсадларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий Қонуннинг қондаларига асосланган.

Мамлакатнинг ижтимоий йўналишларига бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришдан иборат стратегик йўлни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш Олий Мажлис фаолиятининг бош мақсади бўлиб қолди. Парламентнинг ўтган ўн беш сессиясида депутатлар ўнга қолди, иккита миллий дастур, 145та қонун, 452та қарор қабул қилинган, амалдаги қонунларга 216та ўзгариш ва қўшимча киритилган. Олий Мажлис шунингдек 70та халқаро шартномани ратификация қилди, халқаро конвенцияларга қўшилди тўғрисида 58та қарор қабул қилди, умум қабул қилинган ҳуқуқий нормаларини миллий қонун ҳужжатларимизга имплементациялаш юзасидан катта иш олиб борди.

Биринчи чакирқ Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар мустақилликни мустақамлаш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва

ҳимоя қилиш, ижтимоий муносабатларни адолатли тарзда ҳал этиш йўллари билан йўрилган. Адолат барча фуқаролар Қонун олидида тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга эканлиги тарихида тушунирилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларини эътибор олиш қонунчилик жараёнининг ва қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Дастлабки кунлардан оқ Олий Мажлис фаолияти коллективлик, ҳалқ фикрини ҳар томонлама эътибор олиш, очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида қурилди. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳларини тузиш, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини аниқлаб, уни Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларда кенг акс эттириш мақсадида депутатларнинг ўз сайлов округларига бориб туришлари, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, тушган тақлиф-мулоҳазаларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва умумлаштириб бориш, масъл ижроичлар ва мутахассислар иштирокида Олий Мажлис раҳбарияти

ҳузурда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш каби демократик иш усуллари мустаҳкам урнашиб қолди. Қонун лойиҳаларининг илмий экспертизасини ўтказишга, уларнинг халқаро андозларга мос келишини таъминлашга, амалдаги қонунларни ва тайёрланган қонун лойиҳаларини таҳлил этиш учун Ўзбекистон ва чет мамлакатларнинг етакчи олимларини жалб этишга муҳим эътибор қаратилди.

Олий Мажлис пухта тайёрланган ва тасдиқланган Қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти дастурига мувофиқ иш олиб борди. Парламентнинг бўлажак сессияси кун тартибининг лойиҳаларини Олий Мажлис Кенгаши йиғилишларида олдидан муҳокама этиш, навбатдаги сессияларга тайёрларди қўриш ва уни ўтказиш учун Олий Мажлис Раиси муовинларидан бирининг раҳбарлиги остида махсус депутатлар ишчи гуруҳлари тузиш тамойили айланди. Олий Мажлис иши “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида, бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОКЕАЛАРГА ДОИР

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Хўжа Очкан қишлоғидан Сирт қишлоғига ўтишга уриниб кўрди. Лекин, “Грац” қурилмалари ёрдамида берилган реактив замбараклар зарбасига учраб, ўтиш қийин бўлган тоғли худудларга чекинди. Террорчилар худудлари эгаллаб турган худудлар мулофасининг мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда назорат постларини жиҳозлашни давом эттирмоқда.

Уларнинг асосий мақсади қиш келгунча эгалланган худудларда моддий база яратишдир. Бирлашган тожик муҳолифати қуроли гуруҳларининг бошиқларни озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроқ ва ўқ-дори бериш орқали жангариларга ёрдам кўрсатишга давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг гувоҳлик беришича 22 сентябрь кўни Тожикистон Республикасининг Жиратол туманидан Зарлоли, Хўжа Очкан ва Шудман қишлоқ-

ларига қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ортилган қарвон келган. Боткен туманидаги ҳукумат кўшиқларини янада кучайтириш учун Қирғизистоннинг Иссиқ Кўл вилоятидан бу ерга доимий армия аскарлари ва кўнгилчилар юборилди. Ўз-ўзини ҳимоялаш отрядлари қарийб 1200 киши қўшилди. Уларнинг барчасига ўқотар қурол берилди. Кўнгилчилар ҳозир давлатга қарашли муҳим ишхотлар ва ҳарбий объектларни қўриқмоқда.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси У.Мингбоев бошқарган мажкур пленумда “Фуқаролик коллексини табиқ этишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”, “Фуқаролик ишлари суди қуриш муद्даларни тўғрисида” ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб бориладиган суд илоҳотлари ўзининг янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримов Олий

Мажлисининг биринчи чакирқ тўғрисида, олдинги ва ўн бешинчи сессияларида республикамиз суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги ҳамда бу ҳолда давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шундан бундан ўтган давр мобайнида бу борда бир мунча ишлар амалга оширилди. Айни вақтда босқичма-босқич ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалалар ўз ечимини кутмоқда. Суд амалиётини Конституция ва қонунлар моҳиятига тўла мос равишда олиб боришга эришиш бугунги кундаги энг асосий вазифалардан биридир.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

БЕДОР ҲИ

Маҳалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. У фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади, аҳолининг муҳтож қатламларига аниқ ёрдам кўрсатади.

Айни чоғда, ҳозирги шароитда маҳалланинг вазифалари янги мазмун билан бойитилиши лозим. Гап шундаки, маҳалла иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўйбега чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур.

Ислам КАРИМОВ

ОҚСОҚОЛ — МАҲАЛЛА ПЕШВОСИ

Мустақиллик йилларидагина
у ўз мавқеини топди

Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд ўн бир мингдан ортиқ маҳалла, қишлоқ, овул ва кўрғон кенгашларида шунча раис ва қотиб, қарийб юз мингта яқин маслаҳатчи иш олиб бормоқда. Агар кўчабоши ва кўпқаватли уйлардаги фаолларни ҳисобга олсак, фуқароларнинг ижтимоий-مائий турмушини енгилаштириш, маҳаллий маъмурлар билан муносабатларни қонуний тартибда олиб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини бажарилишини таъминлаш билан банд бўлган жонқуяр жамоатчилар сонини ундан ҳам ортиб кетади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тарихда биринчи марта «Маҳалла» атамаси республикамизнинг асосий қонунига киритилди, маҳаллага конституциявий мақом берилди. Утган саккиз йил мобайнида маҳаллий маҳкамларнинг ўзбекларга хос бўлган ноёб пақли, миллий қадриятларимиз бешиги — маҳалла ўзининг азалий обрў-эътиборига эга бўлди.

Шўро тузуми даврида миллий тараққийининг яқин бир аср отириб ташлаган қомғирча ўзбек маҳалласига нўхотда нописандлик билан муносабатда бўлди. Фуқароларнинг ижтимоий-ахлоқий тарбияси бутунлай фирқа бошланғич ташкилотига топшириб қўйилган. Эр-хотин ўртасидаги муносабатлардан тортиб то жонза маросимларигача безобетларча аралашув одат тусига кирди. Маҳалла ички қонуниятлари, қўни-қўничилик, одамийлик нуқтан назаридан сўз очган кишиларга эскича, маҳаллийчилик фикрларини, ҳатто миллатчи, деган тамгалар босилди.

Мен Исроилжон деган фарғоналик муҳандис йигитни танирдим. Вафот этган отасини дафн этишда иштирок этгани (!), жонза ўқини тўхтамаганлиги (!) учун айбланиб, бу истиқболли йигитни ёшлар ташкилотидан тортиб то жонза маросимларигача безобетларча аралашув одат тусига кирди. Маҳалла ички қонуниятлари, қўни-қўничилик, одамийлик нуқтан назаридан сўз очган кишиларга эскича, маҳаллийчилик фикрларини, ҳатто миллатчи, деган тамгалар босилди.

Дунёда уч мингдан ортиқ касб-ҳунар, мутахассислик бор, дейишади. Мансабларнинг эса саногини йўқ... Узингиз ҳам кузатгансиз, икки киши узоқ йўлда ҳамроҳ бўлиб қолса, улардан бири, албатта, иккинчисини томонидан етакчи сифатида тан олиниб, то сафар тугатишга унга қўлоқ солади. Бунга етакчи деб тан олинган одамнинг ёши, дастлабки қарашдаёқ намоеъ бўлган ақл-идроки, ҳулқ-ахлоқи ва ҳоказо сифатлари сабаб бўлади. Мансаблар ва лавозимларнинг асариятини таинлов орқали етишилади. Бир қатор раҳбарлар ўз вазифаларига сайланишлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам, раҳбар тегишли жамоа уни ҳақиқатан ҳам чин етакчи деб тан олган тақдирда қўзлаган мақсадида эришади. Бундай тан олинган раҳбарга хос бўлган хислат ва вазифалар ҳам бўлган кишига насиб этади.

Маҳалла раиси бу мансаблар зинапоясининг қайси поғонасида туради? Мамлакатимизда ҳар икки ярим йилда бир марта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилади. Аҳоли таниган, тан олган, обрўси баланд кишилар маҳалла раислигига сайланишлари учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд. Маҳалла раиси, қўнича уни оқсоқол деб аташга одатланганимиз, шундай тасвирли шахси, у сўзлаганда, ҳамма қўлоқ солади. Оқсоқолликнинг сирини оғзи шу қадар мўътабарлик касб этгани, унинг гапини биров икки қилмайди. Хизмат пайтида юзлаб кишилар рўпарасида гўз туриб ҳурматландиган генерал ҳам, бутун бир йирик қорхона салгини имо-ишорасига маҳтал бўладиган миллионер қорчалон ҳам, чет элларда фйлиал очган янги компания бошлиғи ҳам маҳалла деганда оқсоқолнинг оғзига қараб туради. Катта тўб-маросим у ёқда турсин, набирасининг аққисини ҳам раис билан маслаҳатлашиб ўтказайди. Халқ дарду ҳасратини улуглар хамиша оқсоқолдан сўрашади...

Маҳаллага, унинг раисига бўлган эътиборининг, Президент ва халқ ишончининг қадрига етиш ҳар бир оқсоқол олдига турган асосий вазифадир. Адолат тарозини биргина учинчи ҳокимиятгагина берилган эмас, бу ерда асосий неғиз — қонунлар мажмуаси бўлса, маҳалладаги адолат тарозини одамлар кундалик ижтимоий-مائий турмушини, савоб ва саховатини ўлчайди. Бу тарозининг шайини маҳалла пешвосининг қўлига ишониб топширилади. Маҳалла пешвоси номини улуглаётган ота-хонлар хамиша халқ эъзозидан бўладилар.

Абдувоҳоб АБДУБАННОПОВ.

Сайловлар олдидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов...

ДИЛДА ФАХР ТҮЙҒУСИ

— Уйламанки, мустақиллик шариҳида ўтаётган навбатдаги сайловларда сайланган депутатлар мамлакатимизнинг янги аср бошланишига...

сайловчиларга бу борадаги қонун талабларини тушунириш ниҳоятда муҳимдир. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда биз яқинда вилоят радиоси орқали сайловчиларнинг оқибатига...

Халқимиз шу кунларда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар арафасида яшаймоқда. Ҳадемай юртимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайловлар ўтказилади...

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

А. ЧОРИЕВ, юридик фанлари номзоди, доцент. — Мустақил республикамиз Конституциясининг 32-моддасида аққол ёзиб қўйилгандек: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жаҳмиёт ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар».

ЭКРАНДА — АЁЛ ТИМСОЛИ

Республика киночилар уйда «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси Аёллар йилга бағишланган «Инаклар тиллодан» ва «Қушнинг қаноти бор» хужжатли фильмларининг тақдирини бўлиб ўтди. Сценарий муаллифлари Маматқула Хазратқулов ва Тоир Юнусов бўлган бу асарлар «Ўзкинохроника» студияси маҳсулотидир.

Солиқлар овоздан давлат хазинасини тўлдирининг асосий омил бўлиб келган. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хомаш, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларини, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи тизим ҳамида.

Шаҳар солиқ тизими таркибида 11 та туман давлат солиқ инспекцияси мажбуд бўлиб, уларда ўз қабига муносиб мутахассислар меҳнат қилмоқда. Улар пойтахтимиздаги 40 мингга яқин юридик, 68 мингдан кўпроқ жисмоний шахс фаолиятини назорат қилмоқдалар ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Солиқчиларимиз иш жараёнида ҳар бир юридик ва жисмоний шахсининг қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатишига ҳомийлик қилмоқдалар, улар онгига солиқ маданиятини сингадирмоқдалар.

ОЛАМГА БИР НИТОҲ

ДУНЁ АҲОЛИСИ 6 МИЛЛИАРДГА ЕТДИ

Кейинги пайтларда дунёнинг турли мамлакатларида табиий офатлар, фожиаелар, террорчилик ҳаракатлари, қуролли тўқнашувлар рўй бермоқда. Буларнинг оқибатида қанчалик-қанча одамлар бошпанасиз қолиб, сарсон-сарғардон бўлмоқда, минглаб кишилар ҳаётдан бевақт бўлиб қолмоқда. Лекин шунга қарамай ҳаёт давом этапти. Бу фожиаелар, ҳузурликларга босма-бос туғилиш, янгилаш, ривожланиш бир умр тўхтамайди. Дунё аҳолисининг сони табири ортиб бормоқда. Бугунга келиб, ер юзиде истиқомат қиладиган одамлар сони 6 миллиардга етди, яъни 1960 йилдан буён дунё аҳолиси ролпа-рос яқин ҳиссага қўйилди.



Германия: Дрезден шаҳри кўриниши.

Нима? Қачон? Қаерда?

ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММО. Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон дунё мамлакатларини қашшоқликни тугатиш борасидаги ишларни янада фойдалантиришга даъват қилди. Молиявий инқирозга дучор бўлган жануби-шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий қайта тикланишга ҳамда дунё иқтисоди ва савдо-сотиғи ҳажми тобора ўсиб бораётган бўлишига қарамай, қашшоқликни тугатиш ҳамон энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қоляптир, дейди у.

ҲАМ НАЗОРАТ, ҲАМ ЁРДАМ

Бу ҳаракатлар тўғрисида қўнғунбузарликларнинг олди олинмоқда. Яқинда ўтказилган тадбир жараёнида сотиш қўлбола учун олиб кетиладиган 183,8 минг сўмлик акция маркаси тамаки маҳсулотлари қўлга туширилди. Суриштирув давомида бу ноқонуний синаретлар А. Икромов тумани Кучуви 6-тор қўнасиде истиқомат қиладиган Умида ва Ҳабибулло Усмоновларга те...

ҚИСКА САТРАЛАДА

Югославия похтаида муҳофизатчилар президент Слободан Милошевичнинг истефоси беришини талаб қилиб намойиш ўтказди. Тайванда кейинги юз йил ичида руй берган энг кучли зилзила қурбонлари сони 1674 га етди, шунингдек, 3924 киши жараҳатланган ва 2869 киши бедарак йўқолган.

Иордания хавфсизлик хизмати ҳодимлари мамлакатнинг халқаро аэропортида ҳукумат хавфсизлиги тақдиди солишда айбланган «Хамас» ташкилотининг уч нафар атакисининг ҳибсига олди.

Жазоир президенти А. Бутефика Нью-Йоркда Франция Бош вазири Л. Жоспен билан уршатишдан сўнг, икки мамлакат муносабатлари яхшилашни йўлида эканлигини таъкидлади.

Япониялик автомобилсозлар Монголия бозорини улаштиришни даром этираётди. Қуни кеча Улан-Баторда Монголия ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлигида тузилган «Мончики» автохизмат корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Хитойнинг сейсмология бўйича давлат бошқармаси Тайванда зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Хиндистон полициячилари билан мамлакат ҳудудида суқилиб қиришга умидланган қуролли тўқнашда отишмалар бўлиб турибди. Уттан қуни Жамму ва Кашмир вилоятида ана шундай отишмалар натижаасида ўттиздан ортиқ киши ҳалок бўлди.

Деҳқондан олинган хабарга қараганда, ҳалок бўлганларнинг ҳорихлик журналистлари топиш борасидаги ишлари натижаасида икки нафар журналист топишган. Улар жиноятчилик ҳужумидан қочиб мақсадли ўрмон ичида яширинган экан. Бироқ жиноятчилар томонидан олиб кетилган бир таржимоннинг тақдири ҳали ҳам номаълум.

ЎЗА ва хоризқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Аббос ЛАТИПОВ, Тошкент шаҳар давлат солиқ Бош бошқармаси бошлиғи.

Келажакимиз сиз, ёшлар!

Тошкент Давлат Техника университети ректори, академик Тўлқин Миркомиллов билан суҳбат

— Хурматли Тўлқин Миркомиллов, Тошкент Давлат Техника университетининг 70 йилдир фаолият кўрсатяпти. Шу муносабат билан, ўзингиз раҳбарлик қилаётган бу алий ўқув юртининг республикамизнинг ҳозирги таълим тизимидаги ўрни ва маънавияти тўғрисида фикрингизни эштитиб қўйимиз.

— Тошкент Давлат Техника университети, ўз номидан аён бўлиб турибдики, Ватанимизнинг аниқ мақсади, аниқ йўналиши таълим марказларидан биридир. Бу ерда техник-муҳандис кадрлар тарбиялаб етиштирилади. Уттан йиллар мобайнида университетимиз халқимиз орасида муҳандис-техник эли кадрларининг бир неча алоқдорини вожага етказди. Унинг собиқ талабаларини республикамизнинг ҳаттоки халқароликда ҳам хайратланда, энг масъулликни ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида уратиб келди.

Мамнуният билан таъкидлашимизки, таълим даргоҳининг собиқ талабалари орасида республика иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришининг кўплаб йirik раҳбарлари, илм-фан номдорлари, бир қатор йirik давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиқди. Улар шу кунларда мустақил республикалик таракқиети учун фидойиларча меҳнат қилмоқдалар.

Биз бугун гоҳда бахтли бир даврга, халқимизнинг неча-неча авлодлари орзу қилиб келган Истиқлол шароитида яшаб меҳнат қилаймиз. Мустақиллик, мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаб айтганларидек, буюк имкониятлар замонидир. Биз бу улғу имкониятларни ўз ҳаётиимизда ҳар бир лаҳзада сезиб, турмушининг барча соҳаларида яққол кўриб-билди турибмиз.

Жумладан, Ўзбекистоннинг ҳозирги авлодлари шу пайтга қадар халқимиз кўрматган беқисс раҳбарликларга эга бўлмоқдалар. Улар учун барча таълим-тарбия шароитлари яратилмоқда. Болаларимиз учун мухташам академик лицейлар, коллежлар, гимназиялар очилмоқда. Иқтидорли фарзандларимиз ҳоризининг энг нуфузли таълим марказлари ва бориб ўқишмоқдалар. Республикаимизнинг олий ўқув юртиларида эса таълим тубдан ислоҳ қилиниб, замоннинг энг илгор талабалари даражасига кўтарилаётти.

Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилиб қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисидаги Қонун таълим-тарбияни юксак таракқиёт босқичларига кўтаришда йўналишни ёритиб туришчи хужжатларга айланди. Бунинг устига, мустақиллик даврида Ватанимиз ўз машинасозлик саноатига эга бўлди, нефть мустақиллигига эришмоқда. Бундай соҳаларда ишлайдиган кадрлар эса, жумладан, бизнинг университетда тарбияланган. Мана шундай шароитда Ватанимизнинг ҳам Ватан оқлидаги масъулияти янада ошмоқда. Биз техник-муҳандис эли кадрларининг халқаро андозаларга жавоб берадиган юксак малакали янги авлодларини тарбиялаб етиштиришимиз керак.

— Кадрлар тайёрлаш, таълимни янгилаш билан боғлиқ ислоҳотлар университет дорисиди қандай олиб борилаётганини тўғрисида ҳам маълумот беришимиз.

— Университетимиз, аввало, мустақиллигимизнинг уттан саккиз йиллиги мобайнида мамлакатимизга 14 минг нафардан кўпроқ мухтассис кадрларни етказиб берганлигини айтмоқчиман. Ҳозирги кунда бу ерда 32 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 26 таълим йўналиши бўйича магистрлар тайёрлашга киришилди. Шу йўналишларга мувофиқ келадиган давлат стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурлари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, мустақил республикамиз иқтисодиёти учун катта аҳамияти ва ис-

тиқболли бўлган энергетика, механика, тоғ-кон, нефть-газ соҳаларига доир 10 га яқин янги таълим йўналишлари очилди.

Айнан мустақиллик шарофати билан университетимиз 30 га яқин ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи техник университетлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бир вақтлар бунга ҳаёлга ҳам келтириб бўлмади. Биз ҳамкорлик қилаётган хорижий таълим марказлари орасида Германиянинг Берлин техника университети, Франциянинг Сорбонна университети, Грециянинг таълим-технология университети бор. Бундай алоқаларнинг аҳамияти шунда бўлаёттики, биз таълим соҳасида дунёда мавжуд бўлган энг илгор тажрибалар билан ҳамнафасликка эришяпмиз. Мана шундай алоқалар тўғрисида университетимиз қатор халқаро дастурларнинг қолиби бўлди, ўқув-таълим фаолиятимизга чет эл технологияси ва инвестициялари кириб келмоқда. Шу кунларда университетимиздаги энергетика, радио-электроника ва тоғ-кон факультетларида «Энергетика менежменти», «Конфигурациони» ва магистрлар тайёрлаш курслари мунваффақиятли ишлаб турибди.

Мамнуният билан айтганимизки, уттан тўрт-беш йил ичиди университетимиз 100 дан орттиқ ўз талабаларини «Умид» ва бошқа жағмарлар совиндорини сифатида Оврпо ҳамда Американинг нуфузли олий таълим ўқув юртиларига ўқишга юборди. Кўпгина иқтидорли талабаларимиз халқаро республика миқёсидаги ўқув, илм ва спорт соҳаларидаги кўрик-танловларда етакчи ўринларини эгалламоқдалар.

Университетимизнинг 6 нафар талабаси Ўзбекистон Республикаси Президентини стипендия ва 18 нафар талабаси Давлат стипендиялар совиндори бўлдилар. Биз улар билан фархнланамиз.

Шунингдек, университетимиз ҳозирча республикада ягона бўлган инглиз тилида дарс олиб бориладиган Бизнес-бошқарув факультети эга. Унда АКШдан таклиф қилинган ўндан орттиқ малакали мутахассислар машгулот олиб бормоқдалар. Барча факультетларимизда иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилиб, уларда дарслар инглиз, француз ва немис тилларида олиб борилади.

Биз «Усто» жағмармаси орқали профессор-ўқувчиларимизни етакчи хорижий университетларда малака оширишлари ҳам катта эътибор бераймиз.

Яна бир янгилик шуки, республикада таълим ислоҳотлари асосида университет таркибиди лицей-интернат ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу ўқув маскани Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳнамолигида академик лицейга айлантирилиш арасида турибди.

— Тўлқин Миркомиллов, Тошкент Давлат Техника университетини таълим маркази бўлиб билан бирга бу ердаги профессор-ўқувчилар илмий тадқиқотчилик йўналишларида ҳам катта фаолият олиб бораётганлигини хабаримиз бор...

— Ҳа, университетимиз олимлари ҳозирги фан-техниканинг долзарб илмий-амалий йўналишларида ҳам қизгин изланишлар билан машгул. Уларнинг шу пайтга қадар амалга оширган тадқиқотлари Ўзбекистоннинг бир қатор саноат, ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилиб, сезиларли иқтисодий самаралар бермоқда. Булар орасида, айниқса механика, энергетика, радио-электроника ва автоматика факультетларида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар алоҳида эътиборга моликдир. Олимларимиз Тошкент, Навоий, Фарғона, Самарқанд, Оқантарон, Олмалиқ шаҳарларидаги йirik корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатган. Қўшма корхоналар билан ҳам илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатилди, тадқиқот натижалари амалда жорий этилиб, мамлакатимиз ишлаб чиқаришига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

— Университетининг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?

— Университетимизнинг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?

— Ўқув даргоҳимизнинг истиқболли мамлакатимиз истиқболдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболли эса порлоқ ва бахтлидир. Бу истиқболда таълим, фан ва техниканинг ривож катта роль ўйнайди.

Шахсан менинг эътиқодим ва ишончимча, умуман, XXI аср бутун дунёда техника ва технология асри бўлади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ, эскирган, замонаси ўтган техника ва технология ўрнини халқаро андозаларда илгор техника ва технология мустаҳкам эгалламоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни ўн чандон, юз чандон ривожлантиради. Айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотларнинг халқаро андозаларга чиқишини таъминлаш учун ҳам худди шу йўлдан бориш зарур ва шарт. Бизнинг университетимиз техника ва технология бўйича таълим марказларида бири экан, фаолиятимизни ҳам ана шундай муҳим мақсадлар асосида тубдан қайтадан ўзгартириб бораёلمиз. Замонамиз шиддати ва ривож биздан тинимсиз изланиш, меҳнат ва янги малакаларни эгаллашни талаб қилаёттики, буларга биз тайёр туришимиз керак.

Шуни ҳам айтиш кераки, техника ва технология ҳақида ўсиб, ўзгариб ва такомиллашиб боради. Бугун биз хорижий илгор технологияни ўзлаштиришга бўлсак, эртага бу босиб ўтилган босқич бўлиб қолиши мумкин. Модомики шундай экан, жаҳоннинг илгор техникаси ва технологияси билан ўзлаштирибгина қолмасдан, балки биз ўзимиз ўз шароитимизга мос равишда уларни ривожлантиришимиз ҳам керак. Ҳозирги талабаларимиз фан ва техниканинг илгор ютуқларидан таълим бериш билан бирга уларнинг олдига ана шундай изланувчанликни, янгиликлар топишга интилишни ҳам тўхтовсиз сингдириб бориш давр талабидир. Янги малака, янги дунёқараш, янги тафаккур тарбияси ана шу интилишларни ҳам ўз ичига олади.

— Ҳаётда кўп нарсани кўрган тажрибали инсон, педагог ва фан номдорлари сифатида ҳозирги ёшларга, айниқса талабаларга қандай истақларини айтган бўлар эдингиз?

— Мен ўз университетимиз талабаларига доимо айтган бир ўғитим бор. Шу ўғитини бутун яна бир бор таққорлаган бўлардим. Азиз ёшлар! Сизлар Фаробий, Хоразмий, Ал-Фароний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби улғу алломаларнинг ворисларисиз. Тафаккурингиз бундай титанлар билан чиққан экан, шуларнинг излошларини унутманг. Уларнинг жасорати сизга ҳам мерос бўлсин. Ўғитишга ворислик фақат моддий шаклда эмас, балки энг аввало маънавий тарзда бўлса, бунинг шарофати бебаҳодир. Бунинг учун ҳозир сиз ҳамма шароит ва имкониятларга эгаисиз. Ўғитимиз тинч, осойишта. Илм, ижод ва бунёдкор меҳнат учун ватандошларимиз гоҳда қулай шароитларга эга. Бунинг устига, сизни Йўлбошимизнинг ўзи, Ватанимиз, давлатимиз ардоқламоқда. Ўзбекистон ўз ёшларининг келажакига катта умид боғлаган. Шу ишонч, шу гаҳуҳуҳлик ва шу бебаҳо шароитларни беҳад қадрланг. Ёшликни бесамар ўтказманг, бу қайтмас олтин фаслини билим, малака ва тажриба орттиришга бағишланг. Шундай қилингки, биз бугун жаҳоннинг илгор мамлакатларидан ўрганаётган бўлсак, сизнинг жасоратингиз ва ишжонингиз тўғрисида эртага жаҳон Ўзбекистондан кўп нарсани ўргансин. Шу йўлда сизларга муваффақият тилайман.

— Университетининг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?

— Университетимизнинг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?

— Университетимизнинг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?

— Университетимизнинг истиқболли, келгуси режалари ҳақида қандай фикрингиз?



ГУЛ САВАТЛАР, ГУЛДОН САВАТЛАР...

Новдадан тўқилган саватчалар, гулдонлар ўринқурсилар, энг сара ёғочдан ишланган бешиқлар, аравачалар... Бу барчаси хунарманд меҳнати маҳсули. Бухоро вилояти ўрмон хўжалиги қошида ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётти. Ҳозирда бу ерда саккиз турдаги рўзгорбор буюмлар ишлаб чиқарилиб, пешманеш харидорларга етказиб берилмоқда.

СУРАТЛАРДА: Шофиркон ўрмон хўжалиги қошида ташкил этилган цех ишчиси Зуҳраҳон Икромова; тайёр маҳсулотлар ҳонадонимиз кўрқи.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Истиқлол берган неъмат ЖОБИР ПОЛВОННИНГ АРМОНИ

Полвонларнинг гурунглари қизғи-а. Қим қимнинг оёғини осмондан келтириб ерга урадиларми, қайси полвон рақибини ердан турғазиб қўйганини, қўйиники, ҳаммаси бирдай завқли, қизиқарли. Энг асосийси бу гурунглари эшитган ҳар қандай кишининг полвонларга ҳаваси келиб, улар билан фахр тую бошлайди. Унда ҳам шу полвонлар каби қандайдир жасорат кўрсатишга ҳавас ўйонади.

Шунинг учун ҳам полвонлар суҳбатини яхши кўраман. Айниқса Жобир полвоннинг гурунгли қизиқаман. Гурунглининг эшитиб, назарима унинг юрагиди армон менга ҳам ўтади. Узёқ вақтгача шу гурунгли таъбирда юраман. Қизил салтанатнинг бизларни нақдлар камситилганларимиз нақдлар камситилганларимиз (аббатга), очикдасига эмас, нозик пардаларга, турли баланларовоз широрларга ўраб-чирмаб), ҳар доим сен иккинчи даражали одамсан, шуни бил ва унутма деганини ҳис қиламан. Аслида Жобир полвоннинг юрагиди армон бўлган нарсаси ҳам шу.

Жобир Яздоннинг ота-бобоси полвон ўтган. Ҳасан полвон, Мухсин полвон, Мадад полвон, Яздон полвон... Хали-қали нақд қилинади. Мухсин полвоннинг 31 болорли, 24 даврли, кўш қават меҳмонхонаси хитойликлар асл чойи, эриқликлар газомлариди, афғонлар шерози, сур терилари билан келишган. Шу ерда ўзбекларнинг ноёб маҳсулотларига харидор бўлишган. Бошқача айтганда бу меҳмонхона «Буюк илақ» йўлидаги ўзига хос мўъжизагина бекат, дунё полвонларининг дуррашайдан манзили бўлган. Жобир полвон бунинг фахр билан ҳикоя қилади.

Ана шу полвонлар авлоди Жобир полвон ҳам 1963 йили 8-сентябрда ўқиб юрган пайтгаёқ уздан 5-6 ёш катта, анчагина танилиб қолган полвонни йиқитиб, тила тушди. 1966 йили

Қарши пединститутининг физкультура ва жисмоний тарбия факультетига ўқишга кириди. Лекин ўқининг илк кунёқ у камситилди. Юнон-рум, классик курашга уни қабул қилишмади. Сента эркин кураш ҳам бўлади деб ажратиб қўйишди. Қачонки, у институтда, шаҳарда, вилоятда, республикада тенгдошлари ўртасида биринчиликни эгаллашдан сўнггина самбо бўйича машқ қилдира бошлайди. 1971 йили республика спартакиадасида голиб чиқиб, учинчи марта спорт устаси нормативини бажарди. Шундан кейин Тбилисда грузиялик самбоини маълумиятга уратиб, собиқ иттифоқда биринчи ўринни олди. Энди унинг учун барча эшиклар очилиб бораётгандек эди. Афсуски, шундай эмас экан. У иккинчи бор Тошкентда бўлган республикалараро мусобақадда голиб чиқсада терма команда аъзоси бўлаолмади. Шунда у ўзининггина эмас бутун ўзбек халқининг камситилиб келаётганини англаб етди. Ичиди бир нима зулмид кетгандек бўлди.

1972-1973 йилларда Армияда хизмат қилаётган пайтда Мугулистондаги мусобақадда қатнашишга тўғри келди. Иттифоқ мусобақадга олиб борган буртиялик командир билан унинг гапи чиққисиз қолди. Шу тариқа у мусобақадга «Ўзбек. Ўзбекистондан» деб ёддиришга эришди. Худонинг марҳаматини қаранг, шу беллашулда у голиб чиқди, биринчи ўринни олди ва шер белгисига сазовор бўлди. Шоҳсупада туриб Жобир полвон Ўзбекистон байроғи кўтарилиши, ўз республикасининг мадҳия-

си янграшини кутарди. Афсуски, унинг «ўзбек»лиги ўтмайди. Қизил империя гимни чалинади. Жобир полвон шунда илк бор шоҳсупада туриб, очик-ошкор йиғлайди. Ва бу қалбда битмас-туганмас алам уйғотлади.

Шундан кейин у халқаро мусобақаларга қатнашишдан мутлақо бенасиб бўлди. Холбуки куч-қудратла, маҳоратда унинг тенги йўқ эди.

— Хушвақт Рузиқулов, Сайфиқдир Ҳодиев, Собир Курбонов каби полвонлар ўз вази бўйича бошқа полвонлар биланмаганлиги учун ноилжох жохон мусобақаларига қўйилган, — дейди Жобир полвон. — Ва чемпион бўлишган. Агарда мен ҳам ҳеч бўлмаса бир марта жохон мусобақасида қатнашганимда эди, албатта, чемпион бўлардим. Афсуски, шоҳсупада туриб, Ўзбекистон байроғининг кўтарилишини кўриш, мадҳиясини эшитиш насиб қилмади. Мана омон-омон замонлар келиб турганимизни жохон тан олди. Мен сизга айтсам кураш бўйича Тошкентда ўтказилган I жаҳон чемпионатини кўзда севиinch ёши билан томоша қилдим. Бу мен учун шунчаки томоша бўлмади. Балки ўтмишимизга ҳам саяҳат эди. Кечаги кунимиз билан бутунимизни қисқаладим. Аллоҳга шукрона айтдим. Гапинг пўстқалласини айтсам ўзимизнинг курашдек ҳалол беллашув йўқ. Масалан, курашда полвоннинг оёғидан, белидан пастидан ушланмайди, бўғилмайди, оёқ, кўл қайрилайди. Полвон ерга юзи билан тушса, қайриб босилмайди.

Тизаси ерга теғса, кураш қайтадан бошланади. Қаранг, қандай ҳалол. Шундай бўлса ҳам миллий курашимиз шўро замониди қадр топмади, балки атай унутилди. Энди савол беринг. Нега? Мен сизга айтсам, полвон элнинг ори саналади. Зотан полвон орият учун олишди. Орият учун ялангоёқ, алангтўш бўлиб даврга кирган полвон халқига ҳибнат қилмайди. Энг асосийси, полвон ҳаминша халқ ардоғида бўлади. Кураш муракко вужудинг гина эмас муракко қалбни ҳам уйғотлади. Урислар шунинг биллишган ва миллий курашимизни йўқ қилишга уринишган.

Жобир полвоннинг гурунгли ана шундай завқли, мароқли. Иши эса ундан ҳам қизиқарли. Узи Қашқарарё вилоятининг Нишон туманидаги «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси бўлиб ишласа, ҳафтада икки кун курашга қизиқувчи усмирларни йиғиб, машгулот ўтказлади.

— Даврага чиқиб, эл олдида дуо олган полвон ҳеч қачон сотилмайди, — дейди у. — Шунинг учун усмирларга кураш сирларини ўргатайман. Мақсадим улар халқаро мусобақаларда қатнашиб, мен кўтаролмаган Ўзбекистон байроғини кўтарсин, Ўзбекистон мадҳиясини янграйсин. Президентимизнинг доғруғини жаҳонга ёйсин.

Жобир полвоннинг ўзи ҳам, гурунги ҳам бир дунё. Даврага кирганда бир мақаллар ундан рақиблари Жобир жондор келди, деб қўчиб қочишган.

— Бетавфиқлар, беорлар, беномуслар чўчишини, — дейди у, — бундан кейин ҳам полвонлар шердек яшаб, элнинг ори бўлиб юришсин. Фақатгина мустақиллик тўғрисида шундай бахтга эришганимизни ҳаминша ҳар даврада элу улугга эслабти туришим.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 25 сентябрда республикамизнинг бутун худудиди ҳаво ўзағиб туради ва айрим туманларда ёмғир ёиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида шимол-ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади. Поиттах вилоятининг дегри жойларида кечаси 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Қашқарларё ва Сурхондарё вилоятларида шимол-ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Фарғона волийсиди вилоятларида ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади. Тошкентда ёмғир ёиши эҳтимолли бор. Шимол-ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

ГЕПАТИТ ВА ВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЯНГИ АНТИҚА ВОСИТА АМИКСИН препаратининг 10 таблеткаси Сизни гепатит ва бошқа вирус касалликларидан дивалайди. АМИКСИН® ГЕПАТИТ УРОГЕНИТАЛ ХЛАМИДИОЗ ГЕРПЕТИК ИНФЕКЦИЯ ОРВИ ва ГРИПП ТАРҚАЛГАН СКЛЕРОЗ. АМИКСИН ҳақида маълумоти «АФСОНАК-63»ХФдан олишингиз мумкин. Ўзбекистон, Тошкент ш., Лутфий кўч., 94. Тел.: (99871) 173-05-22, 173-05-44. АМИКСИН препарати 125 мг. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доривоситлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан 6-250-95/№ 13298 рақами билан 17.07.98 йилда рўйхатга олинган.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳўқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маълумот ва маориф — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЕВ. Навбатчи — А. АБДУХАНОМОВ. Мусаҳҳх — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан эиёб материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6